

Қоҳира китоб кўргазмасида ноёб Қуръон энциклопедиясининг тақдими ўтказилди



09:00 / 10.07.2021 1631

Қоҳира халқаро китоб кўргазмасида Қуръони Каримнинг 180 та қўлёзма нусхасидан ажойиб хаттотлик ва зарҳалланган ноёб энциклопедия намоиш этилди.

Вето янгиликлар сайтининг хабар беришича, «52 Қоҳира халқаро китоб кўргазмаси» жамоатчилига «Хаттотлик ва нурли санъат дурдоналари билан безатилган Қуръон» номли Қуръон энциклопедиясини тақдим этди.

Ушбу асар хаттотлик ва ёруғликнинг исломий геометрияси соҳасидаги энг кенг қамровли ва етакчи энциклопедиялардан биридир. Унда ёруғлик санъатининг аниқлиги ва ўзига хослиги жиҳатидан ноёб нусхалари мавжуд.

Ушбу энциклопедияда Қуръонни ёритиб бериш санъати ўзига хос тарзда тасвирланган.

Қоҳира китоб кўргазмаси ташкилотчиларидан бири ушбу энциклопедиянинг нашр этилишини мисли кўрилмаган ҳодиса деб атаб: «Ушбу китоб қиммат қоғозларга ёзилган ва Ислом хаттотлигидан парча. Бу ерда дунёдаги энг катта Қуръон қўлёзмаларидан сараланган 180 асар

мавжуд. Ушбу нусха Ислом санъатининг етакчи турлари учун асосий ва идеал моделдир», дейди.

Қоҳира китоб кўргазмаси жорий йилнинг 30 июнь куни кўп сонли турли хил нашрлар ва китоблар иштирокида ўз фаолиятини бошлади.

Халқаро қитъа китоблари кўргазмаси 25 та мамлакатдан, жумладан АҚШ, 7 та Африка давлатлари, 12 та Осиё ва 5 та Европа мамлакатларидан 1218 та Миср ва хорижий нашриётлар иштирокида бўлиб ўтди.

Ушбу кўргазма Мисрдаги Халқаро кўргазма марказида 15 июлгача давом этади.





Хуршид Маъруф тайёрлади